

ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ШАКИЛЛАНИШИГА УРУҒ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

*Мўминов Абдували Акбаралиевич*² лаборатория мудири, қ.х.ф.н., к.и.х.

*Норбутаева Бегойим Хусан қизи*¹ Селекция ва уруғчилик лабораторияси мудири

*ДДИТИ Сирдарё илмий тажриба станцияси*¹

*Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти*²

begoyimnorbutayeva@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада 20 апрелда экилган соя ўсимлигининг маҳсулдорлиги эрта (10.04) муддатга нисбатан 0,7 г. ва кеч муддатга (30.04) нисбатан 0,5 г. га кўп эканлигини қайд этилди. Эслатиб ўтамиз уруғ экиш меъёрлари ўртасидаги фарқ 3,4 г. ва 2,2 г. га тенг бўлган эди. Демак уруғ экиш меъёрларининг соя ўсимликларининг маҳсулдорлигига таъсири уруғ экиш меъёрларига нисбатан кучли бўлди.

Калит сўзлар: Бир туп ўсимлик, нав, соя, муддат, меъёри, ўсиш, дуккак, дон, 1000 дона вазни.

Кириш. Маҳсулдорлик ўсимликларнинг муҳим ва мураккаб миқдорий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Чунки ўсимликларни етиштиришдан асосий мақсад улардан юқори ва сифатли ҳосил олишдир. Шу билан бирга маҳсулдорлик мураккаб бўлиб, бу унинг кўп омилларга, жумладан, маҳсулдорликнинг таркибий қисми ёки элементларига боғлиқлиги билан изоҳланади. Соя ўсимлигининг маҳсулдорлигига уруғ экиш меъёри ва муддатларининг таъсири бўйича олинган бирламчи маълумотлар куйидаги 1-жадвалда келтирилган. Жадвалда битта ўсимликда шаклланган дуккаклар, дуккакдаги дон сони, унинг оғирлиги, битта ўсимликдаги дон оғирлиги каби кўрсаткичлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Ўсимликларнинг маҳсулдорлигига кучли таъсир этувчи омиллардан бири дуккаклар сони ҳисобланади. Битта ўсимликда шаклланган дуккаклар сони уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда 40,73 дона, 333,0 минг туп/га -37,43 дона ва уруғ экиш меъёри 417,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда эса 32,53 донани ташкил этди. Ушбу маълумотлар, дуккаклар сони қалин экилган вариантда 4,9 донага камайганлигини кўрсатди. Уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши битта дуккакдаги дони сонини 2,1 тадан 2,0 тага, битта ўсимликдаги дон сони 85,57 тадан 65,07 тага, битта ўсимликдаги дон вазнини 12,90 г. дан 9,50 г. га ва 1000 дона дон оғирлиги 150,67 г. дан 145,67 г. га камайишига таъсир этди. Буни уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га бўлган вариантга нисбатан таққослаш натижалари ҳам кўрсатди. Бир туп ўсимликда шаклланган дуккаклар сони уруғ экиш меъёри 333,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га тенг бўлган вариантга нисбатан 8,1 фоизга ва 417,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда эса 20,1 фоизга камайганлиги аниқланди.[1.2.] Битта ўсимликдаги умумий дон миқдори уруғ экиш меъёри 333,0 минг туп/га тенг бўлганида 8,1 фоизга, битта ўсимликдаги дон оғирлиги 9,3 фоизга 1000 дона дон оғирлиги 1,3 фоизга камайган бўлса, 417,0 минг туп/га вариантда тегишли равишда 24,0 фоиз, 26,45 фоиз ва 3,7 фоизга камайганлиги қайд этилди. Уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши дуккаклар сони, дон сони, дон оғирлиги каби белгиларга таъсири битта дуккакдаги дон сони ҳамда 1000 дона дон оғирлигига нисбатан кучли эканлиги аниқланди. Бундай ҳолат ўсимликдаги дон миқдори ва битта ўсимликдаги дон оғирлиги кўпроқ ташқи муҳитга, битта дуккакдаги дон сони ва 1000 дона дон оғирлиги эса навларнинг биологик хусусиятига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Соянинг Тўмарис Ман-60 нави 20 апрелда уруғ экиш меъёрига мос равишда (278,0; 333,0 ва 417,0 минг туп/га) битта ўсимликдаги шаклланган дуккаклар сони 41,30; 37,09; 32,3 донани, битта дуккакдаги дон сони 2,20; 2,10 донани, умумий дон миқдори 90,9; 83,4; 67,8 донани ва битта ўсимликдаги дон оғирлиги 13,73 г.; 12,40 г.; 9,9 г. ни ҳамда 1000 дона дон оғирлиги 151,0 г.; 149 г.; 146,0 г. га тенг эканлиги аниқланди. Соя нави кеч (30.04)

экилганда уруғ экиш меъёрлари (278,0; 333,0 ва 417,0 минг туп/га) тегишли равишда битта ўсимликда шаклланган дуккаклар сони 41,9; 38,3; 32,6 дона, дуккакдаги дон сони 2,1; 2,1; 2,0 дона, бир туп ўсимликдаги дон сони 88,0; 80,4; 65,2 дона, дон оғирлиги 13,2 г.; 11,9 г.; 9,5г., ҳамда 1000 дона дон оғирлиги 150 г.; 148 г. ва 145 г. га тенг эканлиги аниқланди. Юқоридаги маълумотлар, соянинг Тўмарис Ман-60 нави ҳосил элементлари миқдорига уруғ экиш муддати ва меъёрларининг таъсир этганлиги қайд этилди. Жумладан, бир туп ўсимликда шаклланган дуккаклар сони, битта дуккакдаги дон сони, бир туп ўсимликдаги дон сони ва дон вазни ҳамда 1000 дона дон оғирлиги уруғ экиш меъёрининг ортиши билан камайганлиги аниқланди. Бундай ҳолатнинг қайд этилиши кўчат сонининг ортиб бориши битта ўсимлик учун озика майдонининг камайиши билан боғлиқ бўлди. Бу ўз навбатида ўсимликлар маҳсулдорлигини камайишига сабаб бўлди. Соянинг Селекта-302 навида ҳам уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши ҳосил элементлари миқдорининг камайишига сабаб бўлди. Жумладан, эрта муддатда ва уруғ экиш меъёрларига (278,0; 333,0 ва 417,0 минг туп/га) мос равишда битта ўсимликда шаклланган дуккаклар сони 37,5; 36,0; 31,4 донани ташкил этган бўлса, дуккакдаги дон сони 2,2; 2,1; 2,0 донани, битта ўсимликдаги дон сони 82,5; 75,6; 62,8 донани, битта ўсимлик маҳсулдорлиги 12,5 г.; 11,3 г.; 9,2 г. ва 1000 дона дон оғирлиги 152 г.; 150 г. ва 147 г. га тенг эканлиги аниқланди. Соянинг Селекта-302 нави 20 апрелда экилганида битта ўсимликдаги дон вазни уруғ экиш меъёрларига мос равишда эрта муддатга экилган вариантга нисбатан ортганлиги аниқланди. Бунда уруғ экиш меъёри мос равишда 13,4 г.; 12,1 г. ва 9,7 г. га тенг бўлди. Ушбу маълумотлар битта ўсимликдаги дон вазни уруғ экиш меъёрига мос равишда 0,9 г.; 0,8 г. ва 0,5 г. га ортганлиги қайд этилди.[3] Соянинг Селета-302 нави 30 апрелда экилганида уруғ экиш меъёрига мос равишда битта ўсимликдаги дуккаклар сони 40,3; 36,9; 31,4 донани ташкил этган бўлса, битта дуккакдаги дон сони 2,1; 2,1 ; 2,0 донага, битта ўсимликдаги дон сони 84,6; 77,5; 62,8 донага, битта ўсимликдаги дон вазни 12,8 г., 11,5 г., 9,2 г. ва 1000 дона дон оғирлиги 151 г.; 149 г. ва 146 г. га тенг

эканлиги аниқланди. Умуман олганда уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг соя ўсимлигининг маҳсулдорлигига таъсир этди. Биринчи навбатда дуккаклар сони, битта ўсимликдаги дон сони ва унинг оғирлигига таъсир этди. Соянинг Тўмарис Ман-60 нави эрта муддатда қалин экилган вариантда сийрак экилган вариантга нисбатан битта ўсимликдаги дон вазни 3,4 г, уруғ экиш меъёри 333,0 минг туп/га нисбатан эса 2,2 г. га камайганлиги аниқланди. Бу ўз навбатида дуккаклар сони, дуккакдаги дон сони, битта ўсимликдаги дон миқдори ва 1000 дона дон оғирлигининг камайиши билан боғлиқ бўлди. Ушбу ҳосил элементларининг миқдорий кўрсаткичлари ҳам уруғ экиш меъёрининг ортиши билан пасайди. Уруғ экиш муддатларининг таъсири уруғ экиш меъёриларига нисбатан кучсиз эканлиги аниқланди. Жумладан, Тўмарис Ман-60 нави эрта муддатда уруғ экиш меъёри 333,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда экилганида битта ўсимликдаги дон вазни 11,7 г. га тенг бўлган бўлса, 20 апрелда 12,4 г. ва 30 апрелда эса 11,9 г. га тенг бўлди. Ушбу маълумотлар 20 апрелда экилган соя ўсимлигининг маҳсулдорлиги эрта (10.04) муддатга нисбатан 0,7 г. ва кеч муддатга (30.04) нисбатан 0,5 г. га кўп эканлигини қайд этилди. Эслатиб ўтамиз уруғ экиш меъёрлари ўртасидаги фарқ 3,4 г. ва 2,2 г. га тенг бўлган эди. Демак уруғ экиш меъёрларининг соя ўсимликларининг маҳсулдорлигига таъсири уруғ экиш меъёрларига нисбатан кучли бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. А.А.Мўминов , Б.Х. Норбутаева, М.Жўрабоева “Экиш муддатларининг соя навлари хўжалик биологик кўрсаткичларига таъсири” // Агро илм , Махсус сон-2[86,] 2022 й 19-22 бет //
2. А.А.Мўминов, Б.Х. Норбутаева, О.А.Ҳолиқулов “ Экиш муддатларини соя навларининг ўсиш ва ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсири ” //Агро Кимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини, Махсус сон-[2] 2022 й 15- октябр 219-222 бет //
3. Т.Осербаева “ Соя навларининг биометрик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрининг таъсири” Агроилм 2017№ 5-30 б